

2-1-2020

## EFFICIENCY OF ORGANIZING THE ACTIVITIES OF INSURANCE INTERMEDIARIES IN THE DEVELOPMENT OF INSURANCE SECTOR

I. Abdurahmonov  
*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Abdurahmonov, I. (2020) "EFFICIENCY OF ORGANIZING THE ACTIVITIES OF INSURANCE INTERMEDIARIES IN THE DEVELOPMENT OF INSURANCE SECTOR," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## СУҒУРТА ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТА ВОСИТАЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ

Мазкур мақолада суғурта хизматлари бозоридаги суғурта воситачиларининг ташкилий ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, суғурта воситачиларининг тавсифи, шунингдек ривожланган хорижий давлатнинг суғурта воситачилари фолляти, уларнинг классификацияси ва туркумланиши, мавзуга оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари, суғурта воситачиларига берилган тарифлар ва муаммолари таҳлил қилинган. Таҳлиллардан келиб чиқиб суғурта воситачилари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** суғурта бозори, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, суғурта воситачилари, суғурта агенти, суғурта брокери, қайта суғурта брокери, суғурта соҳалари, суғурта компаниялари, суғурта назорати, суғурта тўловлари, суғурта мукофотлари, суғурта маҳсулоти.

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВЫХ ПОСРЕДНИКОВ В РАЗВИТИИ СТРАХОВЫХ ОТРАСЛЕЙ

В данной статье анализируются правовые основы деятельности страховых посредников на рынке страховых услуг, описываются страховые посредники, а также деятельность страховых посредников в развитых странах, их классификация, взгляды экономистов на тему страховых посредников, определение и проблемы страховых посредников. На основании приведенного анализа были разработаны научные рекомендации и практические рекомендации по дальнейшему развитию и совершенствованию деятельности страховых посредников.

**Ключевые слова:** страховой рынок, участники страхового рынка, страховые посредники, страховой агент, страховой брокер, перестраховочный брокер, страховая отрасль, страховые компании, страховые выплаты, страховые взносы, страховые продукты.

## EFFICIENCY OF ORGANIZING THE ACTIVITIES OF INSURANCE INTERMEDIARIES IN THE DEVELOPMENT OF INSURANCE SECTOR

This article analyzes the legal basis of insurance intermediaries in the insurance services market, describes the insurance intermediaries, as well as the activities of insurance intermediaries in the advanced foreign countries, their classification and categorization, the views of economists on the subject, the tariffs and problems for insurance intermediaries. Based on the above analysis, scientific recommendations and practical recommendations for further development and improvement of the activities of insurance intermediaries have been developed.

**Keywords** - insurance market, insurance market participants, insurance intermediaries, insurance agent, insurance broker, reinsurance broker, insurance sec-

tor, insurance companies, insurance control, insurance coverage, insurance premiums, insurance products.

## **Кириш**

Ҳар қандай давлатнинг суғурта бозорини шакллантиришда, суғуртанинг замонавий турларни жорий этишда, миждозлар талабига мос суғурта маҳсулотларни яратиш ва сотишда суғурта воситачиларининг роли беқиёсдир. Ҳозирги кунда миллий суғурта бозоридаги суғурта воситачиларининг фаолияти бир қанча муаммоларга дуч келмоқда, бунда давлат ва суғурта компаниялари томонидан муаммоларни бартараф этишдаги ҳаракатлари суст кечмоқда. Бу эса ўз навбатида суғурта воситачилари институтининг шаклланиши қолаверса суғурта бозорининг ривожланишига салбий таъсир қилмоқда.

Маълумки, суғурта бозорида, суғурта бозорининг муҳим иштирокчиси суғурталовчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан махсус, специфик хизмат – суғурта хизмати сотилади. Суғурта бозорида иккита асосий иштирокчи (сотиб олувчи-суғурталанувчи ёки суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи – сотувчи) мавжуд бўлиши муҳимдир. Суғурта бозорининг қолган иштирокчилари (суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери), аджастер, актуарий, суғурта сюрвейери, ассистанс ва бошқалар) эса, суғурта бозорида суғурта хизматлари сотилиши, олинishi, ва суғурта фаолиятига хизмат кўрсатилиши билан унумли ва самарали ишлаб туришини таъминлайди.

Суғурта воситачилари ривожланган суғурта бозорини ташкил этишда муҳим таркибий элементдир.

Охириги пайтларда суғурта воситачилари билан бевосита боғлиқ бўлмаган воситачилар, яъни асосий фаолияти суғурта воситачиси бўлмаган фаолиятлар кенг ривож топмоқда. Бундай воситачиларга кредит ташкилотлари, автосалонлар, ткроператрлар ва сайёҳлик агентликлари, тиббий муассалар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Бундай воситачиларни “ноананавий воситачилар” деб тариф бериш мумкин.

## **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи шарҳи**

David Bland (1998) Суғурта бозорининг мураккаб шароитларида фаолият юритадиган турли хил воситачилар мавжуд. Воситачилариккитакаттатоифагабўлинади: брокерларваагентлар (ёки суғурта вакиллари) [1].

Ищенко Н. Г. (2015) Суғурта ва қайта суғурта воситачилари – суғурта агентлари ва суғурта брокерлари фаолиятни назорат қилиш Европа Иттифоқи суғурта ҳуқуқида алоҳида ўрин тудади. Суғурта воситачилари бир томондан суғурта хизматларининг охириги истемолчилари – суғурталанувчилар билан суғурта мунособатларига киришадилар, иккинчи томондан эса улар суғурта қопламаларини тўлаш мажбуриятларини олмайди ва жавобгарлик олиб бормайди.

1991 йилда Европа Иттифоқи комиссияси брокерлар ва агентлар учун асосий талабларни ўз ичига олган воситачилик тавсияларини қабул қилди:

- Тижорат ва касбий тажриба;
- Ўз жавобгарликларини суғурталаш мажбурияти;
- Ўз мижозлари – суғурталанувчиларга суғурталовчи билан ишлаш тамойиллари, суғураловчи капиталидаги улуши хабардор қилиш мажбурияти;
- Яхши обърўга эга бўлиши (илгари банкрот деб топилган шахслар суғурта воситачилиги билан шуғулланишлари мумкин эмас)[2].

Petra Loerke ва Andras Niedermayer (2018) Ўз илмий изланишларида ҳар қандай воситачилар (суғурта агенти, суғурта брокери) ўз фаолиятларида малакали мутахссис бўлишлари (малака сертификатига) жуда муҳим ўрин тутди. Сабаби маҳсулотнинг сифати бу ишлаб чиқувчига аён бўлган ҳолатдир, унинг суфатли ва авзаллигини эса истеъмолчиларга айнан воситачи етказди. Шунингдек хориж тажрибасида маҳсулотни камдан кам ҳолатда ишлаб чиқарувчининг ўз тақдим этади ёки сотади. Бу айниқса охириги йилларда электрон тижорат ривожланишида кенг кузатиладиган одатий ҳолатга айланиб қолди [3].

Задорожний ва Ищенко (2014) илмий мақоласида жаҳон суғура бозори тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта воситачиларидан сотув канали сифатида фаол равишда фойдаланаётган мамлакатларда суғурта муносабатлари энг кўп ривожланган. Ривожланган мамлакатларда суғурта воситачилари суғурта маҳсулотларини сотиш учун асосий каналдирлар. Сўнгги пайтларда суғурта компаниялари раҳбарлари амалдаги агентлик тармоқларига ва уларни ривожлантиришга катта эътибор бера бошладилар, натижада кўпроқ профессионал воситачилар пайдо бўлди, аллабата агентлик тармоқларини бошқариш турли хил қийинчиликларни келтириб чиқаради [4].

Карлова (2014) илмий изланишларида суғурта воситачилигини ривожлантиришнинг эҳтиёжига қарамасдан турли хил даражаларда ҳал қилиниши керак бўлган муайян муаммолар мавжуд. Бу ички бозор учун ислохотларнинг асосий компонентлари суғурта ва суғурта брокерларининг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш тизимларини ва механизмларини ишлаб чиқиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, суғурта маҳсулотлари истеъмолчиларининг суғурта маданиятини яхшилаш учун бўлиши керак, деб таъкидлаган [5].

Кулаков (2013) ўз мақоласида Россия Федерациясининг суғурта воситачилари институтларнинг асосий жиҳатларини ўрганган, унинг асосий муаммоларини аниқлаган, уни хорижий мамлакатлар институтлари фаолиятлари билан таққослаган [6].

Оберемко (2015) шунга урғи берадики, суғурта воситачиларининг асосий мақсадларидан бири мижозга энг мос келадиган суғурта маҳсулотини танлашга ёрдам беришдир. Шу билан бирга, суғурта маҳсулоти икки омил билан ифодаланади: моддий (суғурта тарифлари) ва суғурта сифати (суғурта шартлари). Ушбу икки омилнинг мижоз учун энг яхши суғурта маҳсулотини аниқлашга нисбати суғурта воситачиларидан суғурта маҳсулотларининг кенг доираси борлиги билан муракаблашади. Ҳозирги вақтда суғурта маҳсулотларни сифатли ва сифати баҳолашга имкон берадиган воситаларни яратиш муаммоси ҳал этилмаган [7].

Филипенкова (2013) илмий изланишларида суғурта воситачиларини алоҳида турларга ажратишнинг асосий муаммоларини кўриб чиқади. Муаллиф суғурта воситачиларини таснифлайди ва суғурта орқали воситачиларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди [8].

Фомин (2007) суғурта воситачилари учун профессионал стандартлар номли мақоласида суғурта воситачиларига суғуртада кенг тарқалган функцияларни ҳам киритиб воситачаларга авария комиссари, диспашерлар, сюрвейерларни ҳам кўшиб кўяди ва буни улар бажарадиган хизматларсиз суғурта бозори тўлиқ фаолият кўрсата олмайди, деган фикрни илгари суради [9].

Шапошникова (2014) мақоласида шуни таъкидлайдики, суғурта бозорида фақат иккита ҳақиқий воситачи бор. Булар суғурта агенти ва суғурта брокери. Суғурта агентлари ва суғурта брокерлари ҳам жисмоний ва юридик шахсларга бўлиниши мумкин. Шунингдек суғурта агентлари ҳам юридик ҳам жисмоний шахс сифатида суғурта компанияларида штатда ёки штатдан ташқари фаолият юритишлари ҳам мумкин.

Шундай қилиб тарихан суғурта воситачилари деганда суғурта агенти ва суғурта брокерлари тушинилади.

Суғурта бозорида суғурта агентларининг ҳуқуқий мақоми муҳим аҳамият касб этади. Бу суғурта агентларининг жамиятда суғурта маҳсулотларини сотувчи сифатида унинг махсус ўрнини белгилайди. Шундай қилил суғурта агенти – суғурталовчи маҳсулотларини махсус сотувчисидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда Шапошникова ҳамма суғурта агентларини уч гуруҳга бўлади.

1. Горизонтал агентлар – бу агентлар суғурта суғурта ташкилотига ўз хизматларни кўсатадилар ва ўз ҳуқуқларини бошқа шахсларга бериа оламайдилар;

2. Пирамидал агентлар – бу ўз ваколатларини бошқа агентларга бериши мумкин бўлган агентлар. Бунда улар суғурта ташкилотлари билан бош агентлик битими имзолайдилан ва шу битим асосида агентлар ўз ваколатларини субагентларга бериши мумкин бўлади;

3. Кўп табақали суғурта агентлари – бу агентлар суғурталанувчи ҳисобланиб олдиндан суғурта компанияларидан суғурта пакетларини сотиб олишади ва кейинчалик уларни мижозларга сотишади.

Суғурта агентлари билан бир қаторда суғурта брокери ҳам суғурта воситачилари фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Бунда суғурта брокерини юридик ёки жисмоний шахс сифатида қабул қилиш керак, у асосан суғурталанувчига оптимал суғурта пакетини топишга ёки суғурталовчи учун суғурталанувчини топишда консальтинг хизматларни кўрсатишга ихтисослашгандир.

Суғурта агентидан фарқли равишда суғурта брокери суғурталанувчи ва суғурталовчиларга ўз хизматларини кўрсатиши мумкин [10].

Халидов ва Клишина (2014) илмий мақолаларида ҳалқаро суғурта муносабатлари доирасида суғурта брокерлари кўпинча суғурталанган шахс номидан иш юритиш амалиёти кенг тарқалган. Унинг асосий мақсади

суғурталанувчига кўп сонли суғурта хизматлари орасидан мақбулини танлашга ёрдам беришдан иборатдир [11].

Шундай қилиб бугунги кунда суғурта воситачиларининг қамровлилик даражаси сезиларли даражада ўсганлиги ва йилдан йилга бу соҳа вакилларнинг турлари ошиб бориши кузатилмоқда. Ананавий воситачилар бу шубҳасиз суғурта агентлари ва суғурта брокерлари ҳисобланади. Бундан ташқари суғура актуарийлари, авария комиссарлари, диспашерлар ва шунга ўхшаш суғурта соҳасида кенг фаолият кўрсатувчи воситачилари ҳам мавжуд. Ушбу тоифадаги воситачилар суғурта шартномасини тузиш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этишмайди, лекин суғурта шартномасининг бажарилишида бевосида ва асосий иштирокчиларга айланиб боришади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Халқаро амалиётда суғурта воситачиларини тартибга солишнинг турли хил шакл ва тизимлари мавжуд. Мисол учун Буюк Британияда ва континентал Европа мамлакатларида суғурта агенти одатда битта суғурта компанияси номидан фаолият юритади. АҚШда эса суғурта агенти бир нета компаниялар номидан иш кўради ва улар мустақил суғурта агентлари ҳисобланади. Хорижда суғурта компаниялари суғурта агентларига юқори талабларни белгилайди.

Суғурта агентлари сифатида фаолият юритаётган юридик шахслар тур операторлар, сайёҳлик агентликлари, юридик маслаҳат ва нотариал идоралар одатда ўз фаолиятларига қўшимча тарзда суғурта шартномалари расмийлаштиришни таклиф қилишади. Улар ўртасидаги муносабатлар суғурта шартномалари билан тартибга солинади, бундай шартномалар юридик шахс ходимлари билан тузилиши мумкин.

Суғурта агентларининг иш ҳақлари яъни воситачилик ҳақлари суғурта шартномаларида белгиланади ёки суғурта мукофотларининг бир улуши сифатида белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Суғурта агентларининг иш ҳақи миқдорлари чеклагмаган, айрим ҳолларда иш ҳақлари суғурта компанияси бошлиғи иш ҳақидан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Қатор хорижий мамлакатларда суғурта агентлари ҳудудий ёки минтақавий суғурта ассосацияларига бирлашишлари мумкин, уларнинг асосий мақсади суғурта агентларига суғурталанувчилар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларни шакллантиришга ёрдам бериш, фаолиятларини мониторинг қилиш, малакасини ошириш, касбий тайёргарлик масалаларини ҳал қилиш, уларнинг профессионал даражасини ифодаловчи сертификатларни (рухсатнома) беришдан иборат.

Суғурта бозорининг яна бир муҳим воситачиларидан бири бу суғурта брокерларидир. Суғурта брокерлари кўплаб суғурта компаниялари билан ҳамкорлик қилишади, лекин бунга қарамай улар фаолияти қаттиқ назорат қилинади.

Суғурта брокерлари суғурталанувчиларнинг хавфларни жойлаштиришга қаратилган фаолиятларни олиб боришини ҳисобга олган ҳолда шунингдек миждозларни молиявий ҳимоя қилиш мақсадида, юқорида таъкидлангандек қаттиқ назорат остида бўладилар. Суғурта брокерларининг суғурта

компаниялари билан йирик молиявий битимлари доимий тарзда назорат органлари эътиборида бўлади. Бундан ташқари, қатор мамлакатларда ҳуқуқий чекловлар қўлланилади молиявий: суғурта брокерлари суғурта ташкилотларининг таъсисчилари бўла олмайди, ходимларни бир вақтда суғурта компаниясида ва брокерлик компанияда фаолият юритишлари тақиқланади, шунингдек суғурта брокерлари суғурта компаниялари кенгашларида иштирок этишларига ҳам чекловлар бор. Барча Европа Иттифоқи давлатларида суғурта воситачилари учун зарур бўлган минимал махсус тайёргарлик ўтиш қонун билан белгиланади.

Деярли барча мамлакатларда суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерлари мажбурий рўйхатдан ўтишади ва давлат реестрига киритилади. Баъзи мамлакатларда суғурта агентлари ҳам рўйхатдан ўтишлари талаб этилади. Масалан, Италияда суғурта агентлари дастлаб тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтадилар ва кейинчалик эса улар суғурта агентларининг ягона реестрига киритилади. Аммо, умуман олганда, барча мамлакатларда суғурта брокерларининг фаолияти назорат органлари томонидан суғурта агентларига нисбатан қатъий тартибга солинади.

Суғурта воситачилари фаолиятини бошқариш ва тартибга солишнинг иккита асосий модели мавжуд. Суғурта брокерлари бозордаги иштирокига қараб назорат кўчайиб боради (Буюк Британия ва Канадада бу борада қатъий нормалар белгиланган). Континентал Европа бозорида (Германия, Италия, Испания ва бошқалар) суғурта воситачилари фаолияти минимал даражада тартибга солинади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларда суғурта агентлари суғурта воситачиларининг асосийлари бўлиб ҳисобланади, суғурта брокерларининг фаолияти иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Буюк Британияда суғурта брокерларини тартибга солишнинг муракаб тизими мавжуд. Британиялик суғурта ва қайта суғурта брокерлари ҳар йили қайтадан рўйхатдан ўтишлари ва лицензияларини янгилаб боришлари зарур. Бунда 1977 йилда ташкил этилган брокерларни рўйхатга олиш кенгаши фаолиятини олиб боради, шунингдек давлат томонидан суғурта брокерларини рўйхатдан ўтказиш ва улар реестрини юритиш ваколатини берган. Бозорда бу кенгашдан ташқари бошқа ташкилотлар ҳам фаолият олиб бордилар улар воситачиларнинг малакасини ошириш ва малака талабларини ишлаб чиқариш, стандартларни ишлаб чиқиш ва бошқаларни амалга ошириб бордилар ва брокерлик фаолиятини билвосита тартибга солишда иштирок этадилар.

Буюк Британияда полис эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бошқа мамлакатларда бўлмаган қатор қоидалар мавжуд. Суғурта компаниялари қаторида суғурта брокерлари ҳам мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари шарт. Шунингдек суғурта брокерлари ўз касбий жавобгарликларини суғурталашлари билгилаб қўйилган. Суғурталовчининг банкротлиги юз берган тақдирда суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларнинг бир қисми у билан тузилган суғурта шартномасига асосан суғурта брокерлари ҳисобидан қопланиши ҳам мумкин. Бундан ташқари рўйхатга олиш кенгаши таркибида интизом ва тергов комиссияси ҳам мавжуд. Улар суғурта полислари эгаларининг ҳуқуқлари поймол бўлган ёки бўлмаган

ҳолатларни аниқлайдилар. Рўйхатга олиш кенгаши брокерларга нисбатан иқтисодий ва молиявий санкцияларни қўллаши, ҳамда брокерлик реестридан ўчиришлари ва фаолиятларини бекор қилишлари мумкин.

Германияда фақат суғурта брокерлари суғурта назорати органларида рўйхатга олиниши мумкин. Суғурта агетларининг фаолияти назорат органлари томонидан назорат қилинмайди, улар ўртасидаги суғурта муносабатлари суғурта шартномаси ёки агентлик битими доирасида тартибга солинади. Суғурта қонунчилиги доираси Германияда уч турдаги суғурта агентлари мавжуд: суғурта компаниялари штатидаги суғурта агентлари, битта компания билан ишловчи суғурта агентлари ва бир нечта суғурта компаниялари билан ишловчи суғурта агентлари.

Францияда Германия каби, давлатнинг суғурта воситачиларини бошқаришда ва назоратида иштирок этиши минимал даражада. Суғурта воситачиларининг асосийси бу суғурта агентлари ҳисобланади, уларнинг фаолияти суғурталовчилар томонидан назорат қилинади. Бозорда барча суғурта шартномаларининг тахминан 20% ни суғурта брокерлари фаолияти давлат назорат органи томонидан назорат қилинмайди, улар фаолияти ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан назорат қилинади.

АҚШда суғурта воситачилари институти анча мустақилликка эга бўлган йирик агентликларни ташкил этади ва йирик суғурта полисларини сотувчи катта куч ҳисобланади. Суғурта фаолияти ва суғурта воситачиларининг фаолияти штатлар миқёсида ўрнатилган қоидалар асосида тартибга солинади. Шунингдек умумий томонлар ҳам мавжуд. АҚШда суғурта агентлари турли даражадаги мустақилликка эга бўлиши мумкин: суғурта компанияси штатида турувчи суғурта агентлари, улар одатда шу компаниясига ишлайди суғурта шартномалари тузади, шунингдек шартнома кучга киргандан кейин ҳам унинг ижросини таъминлаб боради. Мустақил суғурта агентлари бир вақтнинг ўзида бир нечта суғурта компаниялари билан ҳамкорликда ишлайдилар ва мижоз манфаатларидан келиб чиқан ҳолда уларга оптимал суғурта полисларини тағлашга яқиндан кўмак беришади.

Канадада суғурта брокерлари тартибга солинади ва назорат икки босқичда амалга оширилади: федерал ва федерал субъектлари (провинциялар) томонидан амалга оширилади. Суғурта брокерлари ўз фаолиятларини амалга ошириш учун рухсатнома олишлари талаб қилинади. Буюк Британияда бўлгани каби тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатлари суғурта брокерлари ассосациялари томонидан амалга оширилади. Суғурта брокерлари фаолиятини тартибга солувчи федерал қонунга биноан 1980 йилдан бери суғурта брокерлари ассосацияси ўз-ўзини бошқариш органлари мақомига эга.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари ягона молия бозорини шакллантиришда суғурта соҳасини муҳим ўрин тутди. Шунингдек бунда суғурта воситачиларининг (суғурта брокерлари ва суғурта агентлари) ўрни бекиёсдир. Шу билан бирга аъзо мамлакатлар ўз фаолиятини тартибга солувчи нормалари ўртасида айрим фарқлар ва умумийлик кузатилади.

Аввало суғурта брокерлари тушунчаларида бир қанча фарқлар мавжуд. Беларусь ва Қозоғистон Республикасида суғурта брокерлари ўз номидан



суғурталанувчилар ёки суғурта компаниялари кўрсатмалари асосида иш юритадилар. Айни пайтда Россия Федерациясида ҳам суғурта брокерлари ҳам суғурталовчи ҳам суғурталанувчилар номидан фаолият юритишлари мумкин.

Арманистонда суғурта брокерлик фаолияти фақатгина суғурталанувчилар номидан амалга оширилади, аммо қайта суғурта брокерлари ўз фаолиятларини суғурталовчилар номидан ва ҳисобидан олиб борадилар. Қозоғистон қонунларига келадиган бўлсак суғурта брокери суғурталанувчилар номидан суғурта компаниялари билан муносабатларга киришади, шунингдек қайта суғурта билан боғлиқ фаолиятга ўз номидан иштирок этади.

Суғурта брокерлик хизматларини тўлаш бўйича ҳам муҳим фарқлар мавжуд. Қозоғистон ва Арманистон қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суғурта брокерлари ўз фаолияти учун суғурталовчидан ҳақ олишлари қонун тақиқланади. Россияда эса суғурта брокери учун бундай чеклов йўқ, аммо битта шартнома бўйича ҳам суғурталанувчи ва суғурталовчидан ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эмас. Беларусияда эса бундай чекловлар умуман мавжуд эмас.

Шунингдек суғурта брокерларининг ташкилий ҳуқуқий асосларида ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Беларус ва Арманистонда суғурта брокери фақат тижорат ташкилоти сифатида ташкил этилади, Қозоғистонда эса маъсулияти чекланган ва акцидорлик жамиятлари кўринишида ташкил этиладиган юридик шахслар. Россияда тижорат ташкилотлари ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар, фақат Қирғизистонда юридик ва жисмоний шахслар шуғулланиши мумкин.

Аъзо мамлакатларда (Қирғизистондан ташқари) суғурта брокерлари назорат органларидан танловдан ўтишлари керак. Шу билан бирга Россияда, Қозоғистонда ва Арманистонда лицензиялаш шаклида, Беларусияда рўйхатга олиш кўринишида амалга оширилади. Бироқ суғурта брокерларига қўйиладиган талаблар турлича.

Авалло бу талаблар суғурта брокерларининг молия масалаларини қамраб олади. Белоарус ва Қозоғистонда минимал устав капитали талаблари яъни Беларусияда 25 минг АҚШ.доллари Қозоғистонда 10 миллион.тенгедан кам бўлмаслиги керак. Россия Федерациясида суғурта брокерлари суғурта шартномаларини тўзиш учун ва бажарилишини амалга ошириш учун 3 миллион.рубл еки банк кафолатига эга бўлишлари керак. Бундан ташқари Беларус ва Арманистонда суғурта брокерларининг касбий фаолиятлари билан боғлиқ фуқаролик жавобгарлиги суғурталанган бўлиши керак.

Шунингдек, суғурта брокерлари фаолиятига қўйилган чекловларни таҳлил қиламиз. Масалан, Беларусия Республикасида суғурта брокерлари фақат ихтиёрий суғурта ва улар бўйича қайта суғурта фаолиятларини олиб боришлари мумкин, мажбурий суғурта бўйича фаолият олиб боришлари тақиқланади. Россия Федерациясида ҳам суғурта брокерлари мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятларини олиб боришлари мумкин эмас.

Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон қонунчилигида хорижий суғурта брокерлари мамлакат ҳудудида қайта суғурта брокерлик фаолиятларини олиб боришлари мумкин. Бунда Қозоғистонда қайта суғурта брокери касбий жавобгарлиги тўғрисида суғурта полисига эга бўлиши керак. Шу билан бирга

Арманистонда ушбу фаолият учун миллий кўринишдаги лицензия талаб қилинади ва Беларусияда эса давлат рўйхатидан ўтиши керак бўлади.

Суғурта брокерлари фаолиятдан фарқли улароқ суғурта агертлари барча Евроосиё иқтисодий иттифоқида бир хил позицияга эга булар суғурта компаниялари номидан фаолият юритадиган суғурта воситачиларидир.

Аmmo суғурта агентлари ким бўлиши мумкинлиги, қандай талабларга жавоб беришлари ва қай тарзда назорат қилишлари борасидаги масалаларда аъзо мамлакатлар орасида фарқлар мавжуд.

Барча аъзо давлатларда суғурта агентлари юридик ва жисмоний шахс бўлишлари мумкин. Бироқ, Беларусияда суғурта агентлари сифатида фаолият юритадиган шахслар доираси чекланган. Улар фақат жисмоний шахслар бўлиши керак, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар қайсики суғурта воситачилиги уларнинг асосий фаолиятига қўшимча фаолият олиб борилса ҳам воситачилик фаолиятини олиб боришлари мумкин эмас. Шу билан бирга, суғурта агентлари давлат ташкилотлари бўлмаган юридик шахслар мажбурий суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслар.

Арманистонда суғурта агентларига қонунчилик асосида кўплаб талаблар қўйилган. Аввало суғурта агенти юридик шахс бўладиган бўлса 2 млн. драм, агар жисмоний шахс бўладиган бўлса 1 млн. драм миқдорида учинчи шахсларга (суғурталанувчи ва наф олувчи) зарар етказиш жавобгарлигини суғурталаш керак ёки суғурта компанияси ушбу жавобгарликни ўз зиммасига олиш керак. Бундан ташқари суғурта агенти суғурта мукофотларини олиши ёки суғурта қопламаларини олиши ва тўлаши билан боғлиқ фаолиятни ҳам амалга оширса у марказий банк томонидан ўртатилган кафолат маблағига эга бўлиши лозим. Ва ниҳоят суғурта агенти ўзининг профессионаллиги ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши ёки у билан ишлайдиган суғурта компаниясидан суғурта соҳасида зарур бўлган билим ва кўникмага эга эканлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши керак.

Қозоғистон ва Беларусияда суғурта агенти сифатида ишлаш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахс ўрта маълумотга эга бўлиши керак, шунингдек Қозоғистонда унинг воситачилик соҳасида билими текшириш учун (Қозоғистон Миллий банкнинг дастурига мувофиқ) суғурталовчида ўқийди ва имтиҳондан ўтади. Россия Федерациясида буларнинг барчаси талаб қилинмайди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо қатор мамлакатларда суғурта агентларининг фаолиятини назорат қилиш мақсадида рўйхатга олиш амалиёти жорий этилган. Масалан Арманистон ҳамма суғурта агентлари Марказий банкнинг воситачилар рўйхатидан ўтишлари шарт, Беларусияда эса фақат юридик шахслар Молия вазирлигидан рўйхатдан ўтилади жисмоний шахслар эса рўйхатдан ўтмаган ҳолда ўз фаолиятларини олиб боришлари мумкин.

Қозоғистонда суғурта агентларини суғурта компаниялари рўйхатга олади ва ваколатли органга тақдим этишади. Россия Федерациясига келсак, бу ерда суғурта агентлари рўйхатга олинмайди ва уларни назорат қилишни суғурта компаниялари ўзлари олиб боришади.

## **Хулосалар**

Мазкур тадқиқот ишимизда олиб борилган таҳлиллар натижасида миллий суғурта бозорида суғурта воситачилари фаолиятни таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда суғурта жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига бозор иқтисодиёти шаклланди мамлакатларда кузатиладиган даражада сезиларли таъсир кўрсатмаяпти. Бундай ҳолатнинг сабаби шунданки, республикада суғурта воситачилари фаолияти ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларнинг таъсири ҳамон кучли. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш бўйича суғурта назорати томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганига қарамадан, суғурта воситачилари фаолиятида етарли даражада муаммолар тўпланиб қолган. Ўзбекистонда суғурта воситачилари фаолияти ривожланишидаги мавжуд асосий муаммолар ва уларнинг натижасини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги келтириб ўтишимиз мумкин.

Малакали мутахассисларнинг етишмаслиги суғурта бозори инфратузилмаси, умуман миллий суғурта бозорига хос бўлган ҳолат салбий ва ачинарли ҳолат ҳисобланади. Замонавий суғурта тизимини муваффақиятли ривожланиши республикада билимларга эга бўлган ва замонавий талабларга мос суғурта ишларини олиб бориш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги туфайли тўхтаб турибти.

Миллий суғурта бозорида суғурта воситачилари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди ва тавсия этилади:

1. Хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда суғурта агентлари фаолиятини сертификатлаш амалиётини жорий этиш. Бу ўз навбатида суғурта агентларининг малакаси ошишига таъсир қилади ва аҳолига суғурта маҳсулотлари ҳақидаги ишончли маълумотларни тақдим этишга замин яратади.

2. Суғурта хизматлари бозорида суғурта воситачиларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш амалиётини жорий этиш. Бу воситачиларнинг суғурта ташкилотларига ва суғурталанувчиларга, суғурта полиси эгаларига ўз фаолиятлари давомида юзага келадиган салбий оқибатларини олдини олишга ёрдам беради, шунингдек истеъмолчиларнинг молиявий ҳимояланганлик даражаси оширади. Уни амалиётга тадбиқ этилиши суғурта воситачилари фаолияти самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади;

3. Суғурта воситачилари айниқса суғурта агентлари ассоциациясини ташкил этиш. Бу суғурта воситачиларининг муаммоларини тизимли ечишга ва соҳага инновацияларни жалб қилишга, суғурта воситачиларининг ҳуқуқий такомиллаштиришга яқиндан ёрдам беради.

4. Миллий суғурта компанияларининг ходимлари томонидан суғурта воситачиларинининг (суғурта агентлари, суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерларининг) малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган махсус ихтисослаштирилган мастер класслар, семинар тренинглар ва курсларни ташкил этиб бориш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Страхование: принципы и практика /Составитель Дэвид Бланд. Пер. с англ. под науч. ред. доц. Орланюк-Малицкой Л.А. – М.: Финансы и статистика. 1998 г. 988 с.
2. Ищенко Н.Г. Страхование: система, источники, основные направления развития. Научный журнал: Евразийский юридический журнал ISSN: 2073-4506. № 4 (83) 2015 г. – С. 1-7
3. Petra Loerke, Andras Niedermayer. On the effect of aggregate uncertainty on certification intermediaries' incentives to distort ratings. *European Economic Review*. Volume 108, September 2018, Pages 20-48.
4. Задорожний С. В., Ищенко А. С. Современные проблемы института страхового посредничества / Молодой ученый. - 2014. - № 1(03). – С. 71-74.
5. Карлова А.И. Проблемы и перспективы развития страхового посредничества. Ученые записки Таврического национального университета имени В.И. Вернадского Серия «Экономика и управление». Том 27 (66). 2014 г. № 1. С. 38-44
6. Кулаков В.В. Современные проблемы института страхового посредничества в РФ. Вестник университета 4/2013 г. – с 120-127.
7. Оберемко Т. А. Роль страховых посредников. VII Международная студенческая научная конференция Студенческий научный форум – 2015 г. – С. 1-7.
8. Филипенкова О.Г. Особенности классификации страховых посредников. Журнал: «Евразийский Научный Журнал №2 2013» (февраль). – С 1-5.
9. Фомин И. А. О профессиональных стандартах для страховых посредников. Вестник Санкт-Петербургского Университета. 2007 г. Сер. 5. Вып. 4 – С 160-164.
10. Шапошникова, И.В. Проблемы взаимоотношений страховых организаций со страховыми посредниками/ Наука. – 2014. – № 2. – С. 133-138.
11. Халидов, Ш.А., Клишина, Ю.Е. Роль и место страховых посредников в структуре современного страхового рынка / Ш.А. Халидов, Ю.Е. Клишина // Сборник научных статей 3-й Международной молодежной научной конференции «Поколение будущего: Взгляд молодых ученых – 2014». В 2-х томах/ Ответственный редактор Горохов А.А., 2014. – С. 224–227.